

Битта қурбонлик бутун оилага ўтмайдами?



09:46 / 23.08.2018 4263

Ассалому алайкум! Ҳурматли устозлар, сирот кўпригидан ўтишда қурбонлик қилинган уловларда ўтилади. Савол: бу ерда уловда эр-хотин бирга ўтади деган жойи йўқ. Демак эр-хотин, ёки ота-она қурбонликни алоҳида қилиши керак эканда? Ундай булса мен уйда пенсионер ота-онам билан яшайман. Хонадонда ота-она эр-хотин бўлсак 4та қурбонлик қилиш керакми?

"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:

- Ва алайкум ассалом! Тўртталангиз алоҳида алоҳида нисоб эгаси бўлсангизлар ҳар бирингизни зиммангизга алоҳидадан [қурбонлик вожиб](#) бўлади. Нисоб эгаси бўлмаганлар эса вожиб эмас. Валлоҳу аълам!